

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллаган, азалдан халқимизга хос бўлган меҳр-оқибат, бағрикенглик ва саховат каби олижаноб фазилатларни ўзида мужассам этган муқаддас Қурбон ҳайити — Ийд ал-Адҳо муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва минтақавий тузилмалар раҳбарларидан табрик мактублари келиб тушмоқда.

Хорижий ҳамкорлар ўз қутловларида Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига чуқур ҳурмат билдирган ҳолда, юртимизга тинчлик, фаровонлик ва раванқ тилаб, дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантиришга қатъий интилишларини таъкидламоқдалар.

Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев**;
Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров**;
Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**;
Туркменистон Президенти **Сердар Бердимухамедов**;
Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси **Гурбангули Бердимухамедов**;
Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**;
Қозоғистон Республикасининг биринчи Президенти **Нурсултон Назарбаев**;
Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-Сиси**;
Туркия Республикаси Президенти **Режеп Таййип Эрдоған**;
Эрон Ислои Республикаси Президенти **Масъуд Пезешкиён**;
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Шайх Муҳаммад бин Зайд Ол Наҳаён**;
Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими **Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**;
Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири ўринбосари, Президент ишлари бўйича вазири **Шайх Мансур бин Зайд Ол Наҳаён**;
Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири **Шайх Сайф бин Зайд Ол Наҳаён**;
Кувайт Давлати Амири **Шайх Мишғал ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**;
Қатар Давлати Амири **Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний**;
Қатар Давлати Амири ўринбосари **Шайх Абдуллоҳ бин Ҳамад бин Ҳалиф Ол Соний**;
Ўмон Султони **Ҳайсам бин Тарик**;
Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи **Абдулла II**;
Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти **Абдулмажид Теббун**;
Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд Аббос**;
Ислон ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Ҳусайн Иброҳим Тоҳа**;
Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби **Кубаничбек Омуралиев**;
Туркий давлатлар ташкилоти Оқсоқоллар кенгаши раиси **Бинали Йилдирим**;
Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Асад Мажид Хон**;
Кавказ мусулмонлари идораси раиси шайхулислом **Оллоҳшуккур Пошшоода**.

Қутловлар келишда давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИ ВА МУРАББИЙЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва кенг оммалаштириш, халқимиз орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қўшган катта ҳиссаси, футбол бўйича Осиёнинг энг кучли жамоалари ўртасидаги саралаш мусобақаларида чинакам жасорат ва матонат фазилатларини, юксак профессионализм ва азму шижоат намунасини кўрсатиб, улкан ғалабага эришгани — Ватанимиз тарихида биринчи марта жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритгани, Янги Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги шон-шухратини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, миллий гурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларида фол иштирок этиб келатгани учун қуйидагилар мукофотланган:

“Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони билан

Кападзе Тимур Тахирович — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийси
Абдуллаев Абдулла Қахрамонжон ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Алижонов Ҳожиақбар Улугбек ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Алиқулов Хусниддин Рўзи ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Ашурматов Рустамжон Элёрвич — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Бўриев Абдурауф Анвар ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Жиянов Русланбек Музаффар ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Искандеров Жамшид Махмудович — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Машарипов Жалолиддин Қадомбой ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Мозговой Акмал Владимирович — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Насруллаев Шерзод Иннатилло ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Неъматов Абдуваҳид Фурқат ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Сайфиев Фаррух Каримович — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Сергеев Игорь Владимирович — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Тургунбоев Азизбек Муродулла ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Тўхтаўжаев Ислои Саидкамолевич — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Урунов Остон Рустам ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Файзуллаев Аббосбек Сайиджон ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Ҳамробеков Одилжон Сохибжон ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Хусанов Абдуқодир Хикматжон ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Шомуродов Элдор Азамат ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Шукуров Отабек Ғайрат ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Эргашев Ботирали Хайдарали ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Эркинов Ҳожимат Ботир ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Эшмуродов Умарбек Юсуф ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Юсупов Уткир Давлатбекович — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Ирматов Равшан Сайфидинович — Ўзбекистон футбол ассоциацияси президентининг биринчи ўринбосари
“Дўстлик” ордени билан
Алеш Чех — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси ёрдамчи мураббийси
Владо Радманович — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси ёрдамчи мураббийси
Еремчук Михаил Викторович — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси ёрдамчи мураббийси
Мартин Магистер — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси ёрдамчи мураббийси
Нихад Пежкович — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси ёрдамчи мураббийси
Сречко Катанец — Футбол мураббийси
Исеев Шамил Тагирович — Ўзбекистон футбол ассоциациясининг илмий-ўқув ва методика бўлими бошлиғи
Фазиллов Абдурахмон Рахимович — Ўзбекистон футбол ассоциациясининг терма жамоалар бўлими мухлислар билан ишлаш бўйича мутахассиси

II даражали “Саломатлик” ордени билан

Арипов Алишер Эркинович — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси шифокори

“Соғлом турмуш” медали билан

Безбородов Андрей Владимирович — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси физиотерапевти

Усманов Исламбек Юлдашевич — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси физиотерапевти
Ҳасанов Ахмаджон Диёр ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси физиотерапевти

“Шуҳрат” медали билан

Ахмедов Даврон Уктамович — Ўзбекистон футбол ассоциацияси таржimoni
Аширов Шукурулло Шухратович — Ўзбекистон футбол ассоциациясининг терма жамоалар бўлими администратори
Игамбердиев Шерзод Дилмуратович — Ўзбекистон футбол ассоциациясининг халқаро алоқалар бўлими бошлиғи
Максумов Аваз Пархатович — Ўзбекистон футбол ассоциацияси бош котиби
Пирмухамедов Хасан Мирзахакимович — Ўзбекистон футбол ассоциациясининг маркетинг ва медиа бўлими фотосуратчиси
Рузиев Ислои Баҳром ўғли — Ўзбекистон футбол ассоциациясининг маркетинг ва медиа бўлими видео оператори
Салихов Жамолиддин Салахутдинович — Ўзбекистон футбол ассоциациясининг терма жамоалар бўлими бош мутахассиси
Таджиев Сарвар Мирхатамович — Ўзбекистон футбол ассоциациясининг терма жамоалар бўлими администратори
Файзиев Даврон Ахмеджонович — Ўзбекистон футбол ассоциациясининг маркетинг ва медиа бўлими бошлиғи
Ҳакимов Дилшод Махмуджонович — Ўзбекистон футбол ассоциациясининг футбол фаолиятини назорат қилиш бўйича махсус инспекцияси бўлим бошлиғи
Шербаев Журабек Фазилжонович — Ўзбекистон футбол ассоциациясининг мухлислар клуби раиси ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2025 йил 5 июнь

Ш.МИРЗИЁЕВ

Халқаро форум МАЪРИФАТЛИ, ИШБИЛАРМОН ХОТИН-ҚИЗЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА УЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА Қўллаб-қувватлаш борасидаги ИСЛОҲОТЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Кафтиимиздаги Буюк ипак йўли — Ўзбекистон ва Хитой инновация ҳамда тадбиркорлик бўйича ҳамкорлик” халқаро аёллар форумида аёлларнинг инновацион ташаббуслари ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш масалалари кенг муҳокама қилинди.



Буюк ипак йўли нафақат қадимий савдо, балки цивилизациялар кесишган, маданият ва инновациялар уйғонишига туртки бўлган йўл. Бугун у янги гоёлар, янги ташаббус ва имкониятлар билан тўлмоқда. Бу йўл орқали Ўзбекистон ва Хитойнинг инновация, технология, тадбиркорлик соҳаларидаги ҳамкорлиги мустаҳкамланиб, янги имкониятлар ва истиқболларга эшик очилмоқда. Муаззам Самарқанд шаҳрида ўтган халқаро аёллар форуми эса мазкур янги даврнинг муҳим рамзига айланди.

Айни пайтда давлатларимиз ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорлик изчил кенгайиб, янги босқичга кўтарилмоқда. Айниқса, аёллар тадбиркорлиги ва инновацион лойиҳалар икки мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутяпти.

Президентимиз раҳбарлигида “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида инфратузилма, технология, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳаларида йирик ислохотлар амалга оширилмоқда.

Давоми 3-бетда

ЭЪТИБОР, ИШОНЧ ВА НАТИЖА ҚАЛБИМИЗДА ҚАҲРАМОНЛИК КОДИНИ УЙҒОТГАН ТАРИХИЙ ВОҚЕА



Ифтихор



Ўзбекистон тарихида илк бор жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритган миллий терма жамоамиз аъзолари Тошкентда тантанали кутиб олинди.

Мана икки кундирик, юртимизда байрам шукӯҳи кезмоқда. Бу бежиз эмас: халқимиз узоқ йил кутган, орзу қилган улкан марра забт этилди. Футболчиларимиз янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлик руҳи, халқ бирдамлиги бекиёс қудратга эга эканини исботлади. Ана шу уйғунгача бўлган жараён, ҳал қилувчи мусобақадаги кескин вазиятларга қарамай, аллқомат футболчиларимиз ватанга муносиб ўлгон эканини кўрсатди. Улар тимсолида ватан қаҳрамонлари қандай камол топиши, тарих қай йўсин яратилишига бевосита гувоҳ бўлдик. Буни Президентимиз футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоларига йўлланма табригида шундай эътироф этди: “Ҳеч шубҳасиз, миллий спортимиз солномасига олтин ҳарфлар билан битиладиган бундай ёрқин натижа юртимиздаги миллионлаб футбол

мухлислари, бутун халқимизнинг неча йиллик орзуси эди, десак, тўғри бўлади. Сизлар профессионал билим ва малакангиз, тажриба ва маҳоратингиз, энг муҳими, юксак иродангиз ва ғалабага бўлган ишончингиз билан ана шундай орзунгиз реал ҳақиқатга айлантиргангиз ҳар қандай таҳсин ва тасаннога муносибдир”.

Тимур Кападзе бошчилигидаги терма жамоамиз аъзоларини Ислои Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида ҳукумат аъзолари, спортимиз мутасаддилари, ота-оналар, мураббийлар, кенг жамоатчилик вакиллари, соҳа фидойилари тантанали кутиб олди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов иштирок этди. Қаҳрамонларимиз истиқболига пешвоз чиққан юрдошларимиз юз-қўзида

қувонч балқийди. Кимдир бу бахтиёр лаҳзаларни телефонига муҳрлашга шошилган, яна кимдир қўли билан ишора қилиб, ёнидаги ўспирин боласига футболчиларни кўрсатган... Ота-оналар, опа-сингиллар ва ака-укалар кўзида қувонч. Ҳамма чапак чалади, “Олга, Ўзбекистон!” дея ҳайқиради. Уларни зимдан кузатиб, бир бўлиб ягона халққа, бирлашиб ватанга айланиш қандай бўлишини ҳис этдим.

Халқ орасида “Қаҳрамонлар ҳар куни туғилавермайди” деган нақл юради. Эл билиб гапирди. Шунинг учун қаҳрамонлар туғилишини жисмоний маънодагина қабул қилиб ўрганиб қолганимиз. Аммо ҳаётнинг яна бир ҳақиқати бор: миллат қони, ватан руҳи инсонларни ҳеч қачон тарк этмайди. Демак, ҳар бир фарзанд юрт қаҳрамони бўлиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, туғилиш рамзий маънода айтилган. Яъни қонимиздаги қаҳрамонлик кодлари доим ҳам юзага чиқавермайди. Халқимиз доим истейоддиларга бой бўлган. Ҳамиша спортнинг бокс, шахмат каби қўллаб-яккакураш турларида қўлимиз баян келгани ҳам бунинг исботи. Аммо жамоавий ўйинларда омадимиз унчалик ҳам чопган эмас. Бунинг сабаби барчамизга аён...

Кейинги йилларда янги Ўзбекистонда барча соҳадаги ислохотлар бевосита халқ бирдамлиги, ягона ватан бўлиб олгангизга қарагилди. Муҳими, қалбларда эртанги кунига ишонч мустаҳкамланди. Халқ қалби яхши маънода забт этилди. Бунинг учун, аввало, муаммолар амалда ҳал этила бошлади.

Давоми 2-бетда



2025 йил 7 июнь, 115-сон

ЖАРАЁН

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

ЭЪТИБОР, ИШОНЧ ВА НАТИЖА

ҚАЛБИМИЗДА ҚАХРАМОНЛИК КОДИНИ УЙҒОТГАН ТАРИХИЙ ВОҚЕА



Бошланиши 1-бетда

Фикр ва сўз эркинлиги таъминланди, аҳоли муҳофазатлари билан ишлаш тизимига жиддий эътибор қаратилди. Буларнинг барчаси инсон қадрини улуғлашдек эзгу ғояга асосланди. Хусусан, футболга эътибор ҳам тубдан ўзгарди. Натижада бирин-кетин ютуқлар қўлга киритила бошланди. Ана шу жараёнда руҳий қўлловнинг яна бир ажойиб анъанаси шаклланди. Катта ғалабаларни қўлга киритган спортчиларни Президентимиз телефон орқали шахсан табриклийдиган бўлди. Ҳал қилувчи ўйин тун ярмида тугатганига қарамай, давлатимиз раҳбари Абу-Дабидаги ўйиндан сўнг футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоларига қўнғироқ қилди. Мулоқот давомида уларни тарихий ютуқ — илк бор жаҳон чемпионатида чиққани билан самимий табриклади. Суҳбатни ижтимоий тармоқлар орқали тонг чоғида эшитдим. Давлатимиз раҳбарининг самимий табриги, футболчиларимизнинг ўзига ишонч билан шукрона ва ташаккур айтганини тинглаб, қалбим тонг ҳавосидай мусаффо туйғуга тўлди. Шу кайфиятда тармоқларни кузатаман. Барча бир-бирини табриклаган, шунча қаршилик, тўсиққа қарамай қўли баланд келган

Ифтихор



“

Кейинги йиллардаги ўзгаришлар, янги Ўзбекистоннинг очиқлик сиёсати нафақат халқимиз ҳаётида, балки бутун Марказий Осиё давлатлари тақдирида бурилиш ясади. Бугун бир-биримизнинг ютуқларимизни санаб, қувончимизга шерик бўляпмиз. Оддий одамлар орасидаги бундай кайфият эртанги кунга ишонч, шонли тарихга мос тарзда ёруғ келажакдан дарак.



ҒАЛАБА — БУТУН ХАЛҚИМИЗНИКИ!

Тимур КАПАДЗЕ,
Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийси:

— Аввало, бу нафақат майдонда тўп сурган футболчиларнинг ғалабаси, балки ортимизда ишонч кўзини тикиб турган қарийб 38 миллион нуфуслик халқимиз юрагидаги орзу-умидлар ижобати ва дуолар самарасидир.

Мундиал йўлланмаси халқимиз учун нақадар катта аҳамиятга эга эканини жуда яхши биламан. Чунки ўтмишда ўзим ҳам айнан шу орзу йўлида майдонга тушганман. БААда қўлга киритилган ғалаба — жамоамиздаги футболчиларнинг ўзига ишончи, мамлакатимизда спортга қаратилаётган юксак эътибор ҳамда ғамхўрликнинг амалдаги натижаси, десам муболага бўлмайди.

Ўйин тугаши билан давлатимиз раҳбарининг телефон орқали биз билан мулоқот қилгани ҳамда самимий табрик йўллагани ўзимизга ишончини янада оширди. Президентимизнинг “**Сизлар футбол майдонларидаги мана шундай шонли ютуқдан янги куч ва руҳ олиб, келгуси йили АҚШ, Мексика ва Канада давлатларида бўлиб ўтадиган**



жаҳон чемпионатида нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг биринчи ва ғона вақили бўлишдек юксак шарафни чуқур ҳис этган ҳолда, янада катта жонбозлик кўрсатасизлар, деб ишонаман”, дея ишонч билдиргани биз учун юксак масъулиятли шараф.


Биз ана шу ишончни оқлаш учун белимизни янада маҳкам боғлаб, халқимиз ва Президентимиз олдида юзимиз ёруғ бўлиши учун бор куч ва ғайратимизни сафарбар этамиз.

ҒАМХЎРЛИК ВА ЮКСАК ИШОНЧ УЧУН ЧЕКСИЗ МИННАТДОРМИЗ

Элдор ШОМУРДОВ,
Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси:

— Ушбу шарафли ғалаба билан бутун халқимизни табриклайман. Бундай ўйинларда тактика ёки маҳоратдан ҳам кўра руҳият ва характер биринчи ўринга чиқади. Биз бунга тайёр эдик. Рақиб босим қилган дақиқаларда ҳам бир-биримизни қўллаб-қувватладик, кичик хатолар учун асабийлашмадик. Чунки биз бир жамоагина эмас, ғона оила эканлигимизни билардик. Мана шу бирлик, мана шу аҳиллик бизга ғалаба келтирди.

Президентимизнинг спортга, хусусан, футболга қаратаётган эътибори туфайли бутун тизим ўзгармоқда. Бунинг ҳар қадамда ҳис қилиб турибмиз. Давлатимиз раҳбарининг табригини эса шунчаки қутлов сўзи эмас, бизга билдирилган оталарча ғамхўрлик ва улкан ишонч рами сифатида қабул қилдик. Бу ишонч бизни янада кучли, масъулиятли бўлишга ундайди. Энди биз жаҳон чемпионатида нафақат футболчи, балки янги Ўзбекистоннинг ёш, шижоатли вакиллари сифатида майдонга тушамиз. Юксак натижаларга эришиш учун бор имкониятимизни ишга соламиз.



ОРТИМДА ФАҚАТ ДАРВОЗА ЭМАС, ВАТАНДОШЛАРИМ ТУРГАНИНИ ҲИС ЭТДИМ

Ўткир ЮСУПОВ,
Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси:

— Ростини айтсам, ҳозир кўнглимдаги ҳиссиётни сўз билан таърифлаб бериш жуда қийин. Ҳақамнинг финал ҳуштаги чалинганда бутун вужудимни ақл бовар қилмас енгиллик ва чексиз бахт туйғуси қамраб олди. Кўз олдимдан бутун фаолиятим, болагим, шу кунлар учун қилинган меҳнатлар бир-бир ўтди. Биз бунинг урдададик! Бу шунчаки ғалаба эмас. Бу — ота-оналаримизнинг дуоси, давлатимиз раҳбарининг қўллаб-қувватлови, йиллар давомида бизга ишониб, майдонга тушганимизда биз билан бирга ҳаяжонланган, мағлубиятимиздан қайғурган ва ҳеч қачон умидини сўндирмаган халқимизнинг ғалабаси. Майдонда 11 киши эмас, бутун Ўзбекистон бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилди, десам муболага бўлмайди. Бу ютуқнинг ҳақиқий эгаси — халқимиз!

Футболда, айниқса, дарвозабон позициясида ўйлашга кўп вақт бўлмайди. Ҳаммаси сониялар ичида содир бўлади. Бу — йиллар давомида машғулотларда шаклланган инстинкт, реакция. Лекин ўша вазиятда бир ҳақиқат аниқ эди: ортимда нафақат дарвоза, балки



бутун мамлакатим шаъни, халқимизнинг орузси турганди.

Мана шу тарихий натижа юртимиздаги ҳаётбахш ислохотларнинг, яратилаётган шароитларнинг илк йирик меваси бўлди. Президентимизнинг табриги ҳамда шахсан эътироф этгани зиммамизга янада катта масъулият юклайди. Келгусидаги ўйинлар олдида сўнмас куч-ғайрат бағишлайди. Биз бу ишончини жаҳон чемпионатида ҳам оқлашга ваъда берамиз!



БУ ШОНЛИ ЗАФАР ЙЎЛИ БАРДАВОМ БЎЛАДИ

Равшан ИРМАТОВ,
ЎФА президентининг биринчи ўринбосари:

— Илгари жаҳон чемпионатида бошқа давлатларнинг терма жамоасига муҳлислик қилардик. Бироқ ич-ичимиздан шу нуфузли мусобақада юртдошларимизнинг, ўзбек ўғлонларининг иштирокини астойдил истардик. Чунки бу мустақил давлатимиз ва жонқуяр халқимиз учун йиллар давомида ушалмай келаётган орзу эди.

БААда бўлиб ўтган ҳал қилувчи ўйинда йигитларимиз ана шу орзун рўёбга чиқарди. Бугун “Жаҳон чемпионатидаги чиқдик”, деб айтиш осон, аммо бу натижанинг ортида давлатимиз раҳбарининг улкан эътибори, меҳри, стратегияси ва ишончи мужассамлигини асло унутмаслик керак!

Бу жонқуярликнинг самарасини нафақат мундиалга йўлланма олганимиздан, балки унғача бўлган босқичларда ҳам ҳис қилдик. Биргина Парижда бўлиб ўтган олимпиадага йўлланмани қўлга киритган спортчиларимизнинг шонли зафари ёки



Саудия Арабистонида 17 ёшгача бўлган ўсмирларимизнинг мардонавор ўйини нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда катта эътирофга сазовор бўлди. Бу ютуқ бир кунлик эмас, балки давомли ва шонли йўлнинг боши эканига ишонаман. Чунки футбол — юрак иши. Унда нафақат ўйинчи, балки бутун миллатнинг юраги ўйнайди.

УШБУ ШАРАФЛИ НАТИЖА БИЗГАЧА БОСИЛГАН ҚАДАМЛАР САМАРАСИДИР

Аббосбек ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси:

— Бугунги ғалабага кечаги мағлубиятлар, кечаги аламлар пойдевор бўлди. Элдор Шомурдов Шақикхоннинг голларини кўриб улгайгани рост. Абдуқодир Ҳусанов Анзур Исмоиловга ҳавас қилгани, Одил Ҳамроев Одил Аҳмедовнинг қаноти остида шу даражага етгани бор гап. Юсуповнинг сейвларида Игнатий Нестеровнинг ҳам улуши бор... Мураббийимиз Тимур Кападзе кеча бизни — шоғирдларини бахсга чорлар экан, юрагидан ўтказган неча йиллик орзунини тактика доскасида тўкиб солди. Агар ўз даврида Миржало Қосимов ўмон ва Қатарга жарима голларини урмаганида бугун биз ушбу очколарни тўплай олмаган бўлардик, эҳтимол...

Кимдир таслим бўлмай мана шу оғир йўлни босиб ўтиши шарт эди. Бу бизнинг чекимизга тушди ва биз бунинг урдададик. Бизгача босилган қадамлар туфайли бугунги натижага етиб келдик. Шунинг учун футболга дахлдор барчага раҳмат айтаман, чин дилдан табриклайман. Айниқса, Президентимизнинг ғалаба билан табриклигани катта қувонч бағишлади. Муборак Қурбон қайити арафасида халқимизга шодлик ҳада этганимиздан мамнунмиз. Бу билан тўхтаб қолмаймиз. Қатарга қарши ўйинда чиройли ғалабага эришиб, жаҳон чемпионатида яхши иштирок этишга ҳаракат қиламиз.



МАЪРИФАТЛИ, ИШБИЛАРМОН ХОТИН-ҚИЗЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

УЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ



Зулайҳо МАҲКАМОВА,
Бош вазир ўринбосари —
Оила ва хотин-қизлар
қўмитаси раиси

Бошланиши 1-бетда

Шу билан бирга, хотин-қизларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлашга қаратилган қўшма дастурлар ҳам стратегик ҳамкорлигимизда устувор йўналишга айланди. Қабул қилинган ўзаро муҳим қарорлар эса халқларимиз фаровонлиги ва барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Форум Ўзбекистон ва Хитой аёл-қизлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, тажриба ва гоялар алмашиш, янги имкониятларни очиш учун қўлай мулоқот майдони бўлди. Бинобарин, форумдан қўзланган мақсад ҳам Ўзбекистон ва Хитой ўртасида инвестицияларни жалб қилиш, тадбиркорлик, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлиқни кучайтиришда хотин-қизлар иштирокини кенгайтириш, икки давлат тадбиркор аёллари ўртасида тўғридан тўғри шериклиқни мустаҳкамлаш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, ўзаро ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш масалаларида тажриба алмашиш учун ўзига хос мулоқот майдони яратилган иборат эди.

Форум олдида қатор устувор вазифалар қўйилгани билан аҳамиятли. Жумладан, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликда аёлларнинг роли ва таъсирини кучайтириш, аёллар тадбиркорлиги ва инновация соҳасида илгор тажрибаларни ўртоқлашиш ва янги ҳамкорлик моделларини ишлаб чиқиш, тадбиркор аёллар ўртасида юзма-юз бизнес мулоқотлар, учрашув ва музокаралар ўтказиш, шериклик шартномаларини тузиш, аёлларнинг бизнес лойиҳаларини амалга ошириш учун шарт-шароит яратиш, қўлаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш.

Шунингдек, ўзаро ҳамкорлиқнинг энг истиқболли йўналишларини белгилаш, “яшил” бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш, ўрта ва узоқ мuddатли истиқболга мўлжалланган келишувларга эришиш, юқори технологиялар, рақамлаштириш ва саноатни модернизация қилиш, барқарор ривожланиш учун “Smart” ечимларни илгари суриш, тадбиркор аёллар ҳамжамиятини қўлаб-қувватлаш ва ривожлантиришининг устувор йўналишларини белгилаш, ўқув-дастурларини ташкил этиш мақсад қилинган.

Бундан ташқари, хотин-қизларнинг инновация ва тадбиркорлик ташаббусларини кенг намоеъ қилиш учун режалаштирилган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тақдирларни кўриб чиқиш орқали натижалли келишувларга эришиш, ҳудудларо ҳамкорлиқни кенгайтириш: “Ипак йўли аёллари” форматига кўп томонлама мулоқотларни ривожлантириш, Шэньси вилояти ва Ўзбекистон ҳудудлари ўртасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Тадбир доирасида Ўзбекистон — Хитой маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазманинг Ўзбекистон миллий экспозицияси қисмида хотин-қизларнинг турли миллий ҳунармандчилик ишлари намойиш этилди.

Хитой Халқ сиёсий маслаҳат кенгаши 14-қақриқ йиғилиши раисининг ўринбосари, ШХТнинг қўшничлиги, дўстлик ва ҳамкорлик бўйича Хитой қўмитаси раиси Шэнь Юэ Юэ хоним ва бошқалар мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик янги босқичга олиб чиқилганига эътибор қаратиб, Ўзбекистонда аёлларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш борасидаги ислохотларни алоҳида эътироф этди. Келгусида ушбу йўналишдаги ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш бўйича тақдирлар билдирилди.

Форум давомидаги тақдиротлар, умуман, мамлакатимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини қўлаб-қувватлашга қаратилган

ислохотлар меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Чин юрти вакиллариининг ҳақли эътирофларига сазовор бўлди.

“Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида хотин-қизлар учун яратилган имконият ва шарт-шароитлар ўзбекистонлик аёлларга беқиёс куч-гайрат бағишламоқда. Мамлакатимизда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги кундан кунга ортаётти. Улар иқтисодиёт, тадбиркорлик ва тараққиётнинг барча соҳасида фаол иштирок этиш орқали жамиятнинг муҳим ва мустаҳкам устунига айланоқда.

Ўзбекистон — Хитой муносабатларида хотин-қизлар улушини ошириш ва ўрнини янада мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Шу боис, Ўзбекистон — Хитой II ҳудудларо форуми доирасида инновациялар ҳамда тадбиркорлик бўйича халқаро аёллар форуми ташкил этилгани бу борадаги муҳим қадамдир. Бу форум аёлларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги фаол иштироки ва ташаббусларига берилаётган юқори баҳонинг ўзига хос ифодаси бўлди.

Биз биргаликда камбағалликни қисқартириш, соғлиқни сақлаш, таълим, тадбиркорлик ва бошқа ижтимоий соҳаларда ҳамкорлиқни кенгайтириш, инновация ва тадбиркорлик салоҳиятини янада очиш орқали “Бир макон, бир йўл” ташаббусини янги босқичга олиб чиқишга ҳисса қўшамиз”, деди Хитой Халқ сиёсий маслаҳат кенгаши раиси ўринбосари, ШХТнинг қўшничлиги, дўстлик ва ҳамкорлик бўйича Хитой қўмитаси раиси Шэнь Юэ Юэ.

Шэньси вилояти Ханчжонг шаҳри Аёллар федерацияси президенти Ли Ни давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ривожига юксак баҳо бериб, “Бугун биз очкилик ва ўзаро манфаатлар принципларига таянган ҳолда Ўзбекистонлик опа-сингилларимиз билан қўлни қўлга бериб, икки мамлакат



аёллари ва болалари учун гўзал келажақ яратиш йўлида ҳаракат қилаямиз. Биз ҳунармандчилик, уй хизмати ва бошқа соҳалардаги аёллар тадбиркорлиги борасида илгор тажрибалар алмашиш ва фаол ҳамкорлик қилишга тайёриймиз”, деди.

Хитой халқида “Теран меҳнат ва тежамкорлик билан оила бошқарилса, қийинчиликлардан қочиш мумкин” деган мақол бор. Бизда эса “Меҳнат қўли тошини ҳам олтинга айлантиради” деган чуқур маъно ғадоланган ҳикмат мавжуд. Бутунхитой Хотин-қизлар федерацияси доимий қўмитаси аъзоси, Шэньси вилояти Хотин-қизлар федерацияси раиси Ван Юйэ ана шу умумий қадриятларимиз асосида инновация ва тадбиркорлик йўлида улкан ютуқларга эришишимиз мумкинлигига ишонч билдирди.

“Хитой ва Ўзбекистон хотин-қизлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва бирдамлик алоқалари янада мустаҳкамлаб, умумий тараққиёт ва фаровонлик йўлида меҳнат қўлларимизни бириктирайлик”, деди Ван Юйэ.

Инсон қадрини улуғлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлатимиз сиёсатида устувор ўрин тутаяди. Бугун ўзбекистонлик аёллар нафақат оиланинг маънавий посбони, балки инновацион ва илҳомлантирувчи гоялар, инсоният учун хизмат қиладиган йирик лойиҳалар муаллифи, фаол тадбиркор, сиёсий жараёнларни ҳаракатлантирувчи кучга айланиб бормоқда. Хотин-қизлар турли соҳа ва тармоқларда самарали фаолият юритиб, ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшапти.



Ўзбекистондаги хотин-қизларнинг парламент, сиёсий партиялар, бизнес ва жамоатчилик фаолиятидаги нуфузи тобора юксалмоқда. Хусусан, 2017 йилда бошқарув соҳасида хотин-қизлар улуши ўртача 27 фоиз бўлган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 35 фоизга етди. Аёллар улуши тадбиркорлик соҳасида 45 фоиз, сиёсий партиялар таркибида 49 фоизни ташкил этмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 38 фоизи, Сенат аъзоларининг эса 27 фоизи, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатларининг 32 фоизи хотин-қизлардир. Бу натижа кучли сиёсий

2030 йилгача мўлжалланган миллий ривожланиш мақсадларида хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий фаолиятини ошириш, гендер тенгликни таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хотин-қизлар ва оилаларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш миллий дастури амалиётга жорий этилди.

Бугун жамиятимизда ички ва ташқи бозорда мустаҳкам ўрни, нуфузи ва брендига эга бўлган ҳақиқий тадбиркорлар синфи шакллана бошлади. Юксак натижаларни қўлга киритган, хотин-қизларни иш билан таъминлаган, оилалар фаровонлигига, юртимиз иқтисодиётига катта ҳисса қўшаётган аёллар муносиб эътироф этилмоқда.

Кейинги 4 йилда 16 тадбиркор аёл нуфузли давлат муқофотлари билан тақдирланди. 53 нафари “Фаол тадбиркор” кўрак нишон билан тақдирланиб, ҳар бири 50 миллион сўмдан грант маблағини қўлга киритди.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тадбиркор” унвони таъсис этилиб, ушбу унвон билан илк бор аёл киши тақдирланган янги Ўзбекистонда аёл зотиға эътиромнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

Ҳозир 6200 дан ортиқ хотин-қиз илмий фаолият билан шуғулланаётгани, илмий

дастурларида қатнашиш имкониятини янада кенгайтирмоқда.

Бугун Ўзбекистонда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг 45 фоизи, яъни 217 мингдан ортиғига аёллар раҳбарлик қилмоқда. Юридик шахс сифатида фаолият юритиб келаётган бизнес субъектларининг 96 мингта яқинини аёллар бошқармоқда.

Тижорат банклари томонидан аёлларни қўлаб-қувватлаш мақсадида 10 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди. Оилалар иқтисодиётини барқарорлаштириш ҳамда бизнесини ривожлантиришга қўмаклашилмоқда.

2024 йилда хотин-қизлар тадбиркорлиги учун 17 триллион сўм кредит ажратилди. Натижада аёл тадбиркорлар 81 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, 450 миллион долларлик экспортга эришди.

Ўтган йилда 300 мингта ақин хотин-қиз меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касб-ҳунар ва тадбиркорлик бўйича ўқитилди.

Фаолиятини энди бошлаётган тадбиркор аёллар учун маҳсулотни бозорга олиб чиқиш, электрон савдода иштирок этиш имкониятлари кенгайтирилмоқда. Барча ҳудудда “Аёллар бизнесини қўлаб-қувватлаш” мулоқоти йўлга қўйилди.

нафарини тадбиркорликка жалб этиш режалаштирилди.

Ҳудудларда хотин-қизлар иштирокидаги бизнес ташаббусларни қўлаб-қувватлаш изчил давом эттирилмоқда. “Лойиҳалар фабрикаси” электрон платформаси ва “HAMRON” тадбиркор аёлларни қўлаб-қувватлаш дастури каби ташаббуслар аёлларнинг бизнесга кириб келишини енгилаштирмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг тегшли қарори билан Тадбиркор аёллар кенгаши ташкил этилди ва аёл тадбиркорларнинг муаммоларини бевосита парламентга етказиш механизми жорий этилди.

2025 йилдан хотин-қизлар тадбиркорлиги бўйича тўрт босқичли тизим — “Бизнесга илк қадам”, “Бизнесни йўлга қўйиш”, “Бизнесни кенгайтириш” ва “Бизнесни юксалтириш” лойиҳаси амалиётга таъбиқ этилди. Бу орқали чемпион аёл тадбиркорлар синфини шакллантириш режалаштирилди.

Бу каби кенг қамровли ислохотлар мамлакатимизнинг халқаро рейтинг ва индекслардаги нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Хусусан, 2024 йилда Ўзбекистон учун устувор бўлган 20 та халқаро рейтинг ва индекснинг 10 тасида мамлакатимизнинг кўрсаткичлари яхшиланди.

Жумладан, “Аёллар, бизнес ва қонун” индексида мамлакатимиз 82,5 балл кўрсаткиччи қайд этгани ҳолда 48 поғона юксалиб, 190 давлат орасида 91-ўринни эгаллади. Бу гендер тенглик, аёллар ҳуқуқлари ва имкониятларини таъминлаш соҳасидаги кенг қамровли ислохотлар самарасининг ёрқин ифодасидир.

Иқтисодий эркинлик индексида Ўзбекистон 6 поғона кўтарилиб, 103-ўринни эгаллади. Аини паллада минглаб ўзбекистонлик аёл-қизининг янги стартаплари, ижтимоий лойиҳалари, илмий-инновацион тадқиқотлари дунё миқёсида эътироф этилмоқда.

Умуман олганда, Самарқандда бўлиб ўтган халқаро аёллар форуми катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Зеро, мамлакатимиздаги тарихий янгиланишлар жараёнида опа-сингилларимиз янгиланишлар манбаи, тараққиёт ва ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси сифатида юксак ўрин тутаяпти. Замонавий рақамлашган дунёда тараққиётнинг асосий драйверларидан бири аёллар ташаббусларидир. Шу боис, форум қатор жиҳатлари билан гоят аҳамиятли. Жумладан, хотин-қизлар тадбиркорлиги ва инновация соҳаларида илгор тажриба ҳамда гоялар алмашиш, ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликда аёлларнинг ўрни ва таъсирини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Элликдан ортиқ мамлакатнинг энг илгор тадбиркор аёллари, бизнес вакиллари иштирок этган форум доирасида ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш бўйича қўлаб-қувватлаш бўғини дунёда иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили сифатида эътироф этилмоқда. Тадбиркорликда аёлларнинг фаол иштироки нафақат гендер тенгликни таъминлайди, балки мамлакатлар иқтисодиётига янги гоя ва инновацион ёндашувларни олиб қиради, барқарор иқтисодий ривожланишининг муҳим шартларидан бири бўлиб хизмат қилади.

“2030 йилгача мўлжалланган миллий ривожланиш мақсадларида хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий фаоллигини ошириш, гендер тенгликни таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хотин-қизлар ва оилаларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш миллий дастури амалиётга жорий этилди.



ишланмаларнинг 25 фоизини олималаримиз яратаяётгани ҳам жамиятда нафис хилхат эгаларининг ўрни мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Хусусан, “INNOWOMENWEEK” ҳафталиги, “Аёл, бизнес ва инновация”, “XXI аср илм-фани ва бизнесда аёллар”, “Ихтирочи аёллар” каби халқаро форум ва кўргазмалар хотин-қизларнинг илмий ва инновацион салоҳиятини намоеъ этишга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, IT касбларига ўқитиш, акселератор ва инкубатор

Президентимизнинг 2024 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришни қўлаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида 100 миллион доллар, 2025 йил 7 мартдаги “Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришни қўлаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан эса 200 миллион доллар миқдорига кредит ресурслари ажратилди. Бу орқали 2 миллион аёлнинг бандлиги таъминланиши, 1,3 миллион



ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАРНИ ҚУВВАТЛАШ СТАНЦИЯЛАРИ ЎЗИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛЯПТИ

ЖОРИЙ ЙИЛДА ЮРТИМИЗ БЎЙЛАБ 21 МИНГДАН ОРТИҚ ШУНДАЙ ҚУРИЛМА ЎРНАТИЛАДИ



Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бундай муаммо яқин йилларгача бўлган. Одамлар асосан шу сабаб электромобиль харид қилишга шошилмади. Сотиб олганлар ҳам уни кўз-кўз учунгина ҳайдаб юргани, кўпроқ уйда “савлат тўкиб” тургани, узоқ йўللارга эса деярли фойдаланилмаганини эшитганмиз, кўрганмиз. Яъни асримизнинг энг замонавий ва экологик тоза уловларидан бири бўлган электромобилларнинг 2016 йиллардан кейин Ўзбекистонга фаол кириб келиши қайсидир маънода қутилмаганди юз берди ва мамлакатда ҳали унга мос шароит яратилмаганди. Шу боис, кўпчиликини бир-дананига қизиқтирган, аммо харид қилишга иккилангирган электромобилларга фақат шаҳар учун мўлжалланган автомобиль сифатида қарала бошладди. Чунки узоқ йўлга чиқилган тақдирда уни қувватлантириш муаммоси кўндаланг туради.

2019 йилдан юртимизда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш ҳаракатлари бошланди. Бу нима дегани? Бу мамлакатда “яшил”, яъни экология учун зарарсиз технологияларни омдалаштириш ҳаракати. Юртимиз кўчаларида электромобиллар сонини ошириш вазифаси ҳам шунинг бир қисми эди. Чунки бу автомобиллар экологик тозалиги жиҳатидан атмосфера учун мутлақо зарарсиз бўлиб, бензин ва бошқа зарарли газларда ҳаракатланадиган транспорт воситаларидан кўра манфатлироқ. Уларнинг фойдали томонлари ҳақида узоқ тўхталиш мумкин. Аммо биз кўтарётган мавзу бошқа.

2020 йилдан кейин мамлакатимизга турли-туман электромобилларни импорт қилиш фаолияти кетди. Бу борада тадбиркорларга айрим энгилликлар берилгани ҳисобига автосалонлар шундай турдаги транспорт воситаларига тўлди. Харидорларда танлов имконияти кенгайиб, сотиб олишга қизиқиш орта бошладди. Қолаверса, ундан аввалроқ санокли олиб келинган электромобиллар юртимиз кўчаларида ҳаракатланиб, шароитимизга мос келиши қайсидир маънода синовдан ўтганди. Энди одамлар электромобиллар ҳақидаги нотўғри фараз ва тахминлардан қисман қутулиб, фойдаланишга ишончи ортди. Натияжада кейинги йилларда юртимизда ушбу турдаги автолар сони 10 карра ошди. Ҳатто Жиззахдаги заводда электромобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ана энди юқоридаги масала — электромобилларни қувватлантириш станцияларига қайтсак. Ўтган йилги маълумотларга кўра, юртимизда электромобиллар сони 35 минггача етган. Бугунги кунда бу рақамлар янада ошгани тайин. Хўш, уларни қувватлантириш станциялари-чи? Шу ҳақидаги статистик рақамларни излаганимда, узоқ қидиришга ҳожат бўлмади. Яқиндагина бу бўйича расмий маълумот эълон қилинган экан. Унда шу йилнинг 1 май ҳолатига кўра, Ўзбекистонда электромобиль қувватлаш станциялари сони 1400 тага етгани келтирилган. Юртимиз бўйлаб ушбу станциялардан 92 минг киши фойдаланмоқда.

Солиштирилганда, станциялар сони бир йил ичида 2,5 баробар ошгани кўринади.

Уларнинг 70 фоизи Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига тўғри келади. Демак, бошқа ҳудудларда қувватлаш станциялари ўрнатиш кўрсаткичи 30 фоизга етган. Агар бу борадаги ишлар 2020 йилдан кейин бошланганини инобатга олсак, натижа унчалик ёмон эмас. Ҳар ҳолда электромобили бор танишларимиз узоқ вилоятларга бориш жараёнида йўлда қувватлаш станцияларидан фойдаланиш имконияти мавжудлигини таъкидлашпти.

Шаҳарда ҳам, ундан ташқарида ҳам ҳар қадамда бензин ёки газ қуйиш шохобчаларига дуч келамиз. Тўғри, улар бир неча ўн йиллар давомида пайдо бўлган ва ёнилғида ҳаракатланадиган транспорт воситалари кўпчилиги заруратни юзага келтиради. Аммо энди ҳар қадамда электромобилларни қувватлаш станциялари ҳам бўлиши керак. Чунки ҳозир замон анча шиддаткор. Кейинги бир неча йилнинг ўзида электромобиллар сони ўн баробар ошгани қувватлаш станцияларини шунга яраша кўпайтиришни тақозо этади. Бунинг учун ҳуқуқий асослар яратилиб, механизм жадал йўлга қўйилса бўлгани.

Яхши хабарлардан бири шуки, жорий йилда юртимиз бўйлаб 21 минг 548 та қувватлаш станциясини ўрнатиш кўзда тутилган. Яъни 2025 йил 1 февралдан давлат муассасалари, меҳмонхоналар, бизнес марказлар, савдо ва умумий овқатланиш шаҳобчалари, халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобил йўллари инфратузилмаси объектлари лойиҳаларида тўхташ жойларининг камиди 5 фоизи электромобилларни қувватлаш станциялари билан жиҳозланиши керак. Бу Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил 1 ноябрда қабул қилинган тегишли қарори билан белгиланди. Унда 2024-2025 йилларда электромобиллардан фойдаланиш инфратузилмасини кенгайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари назарда тутилган.

Ўзимизнинг маҳсулот анча арзон ва сифатли

Қўшимча ҳавас қилганим учунми, ўзим ҳам икки йил олдин электромобиль харид қилдим. Очиги, ҳалигача қувватлаш станциялари билан боглиқ кичик муаммоларга дуч келаман. Яъни мен фойдаланадиган киловаттдаги қувватлаш станциялари шаҳарнинг ҳамма нуқтасида ҳам мавжуд эмас ва одатда уйимдан бир неча километр узоқликдаги манзилга олиб бораман. Каттагина бинонинг ички “парковкиси”га ўндан зиёд қувватлаш станцияси ўрнатилган. Аммо куннинг қайси вақтида бормай, доим электромобиллар билан тўла бўлади. Жойни банд қилиш учун кимнингдир фойдаланиб бўлишини кутишимга тўғри келади.

Шу боис, юқоридаги қарорни ўқиганимдаёқ энди қувватлаш станциялари сони кўпайиши ва яқин манзилларда ҳам пайдо бўлишидан қувондим. Бошқа томондан, жараёнда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга кенг


йўл очилади. Бир муддат илгари ўзимиздаги айрим корхоналарда электромобилларни қувватлаш станциялари маҳаллий шароитда йиғилиши ҳақида эшитгандим. Суриштиргач, бундай қурилмаларни тўлиқ ўзимизда ишлаб чиқараётган корхоналар борлигидан хабар топдим. Юртимиз бўйлаб ўрнатилган қувватлаш станцияларининг ҳаммаси Хитойдан импорт қилинмаган, улар орасида ўзимизда ишлаб чиқарилганлари ҳам бор.

Бу ҳақида эшитишим билан фотограф шеригимни олиб маҳаллий корхоналардан бири томон йўл олдим. Ишхонамиздан унча узоқ бўлмаган манзил — Миробод туманида жойлашган “Toshelectroaparat” хорижий корхонасида бизни бўлим бошлиғи Умид Аҳмадов кутиб олди. Бино ҳовлисига киришимиз билан суҳбатимиз бошланиб кетди. Қўриқидан анча йиллик корхона экани билини турибди. Умид ака ҳам буни тасдиқлаб, корхона 80 йиллик тарихга эга эканини айтди. Тўрт мингдан ортиқ киши меҳнат қилади, асосан, электромонтаж қурилмалари, подстанциялар, станциялар, куч трансформаторлари, қуёш панеллари, инверторлар, паст қучланилиш электродвигателлар учун частотани назорат қилиш мосламалари, кўча ёриткичлари ва электр ҳисоблагичлар ишлаб чиқарилади. Умид ака гапини тамомламасидан “Қандай қилиб шундай эски корхонада энг замонавий қурилмалардан бири — қувватлаш станциялари ишлаб чиқарилади?”, деган саволни беришга бердим-у кейин тўсатдан шунини сўраганимга хижолат бўлиб қолдим.

— Айнан бизники каби узоқ йиллик, катта қувватга эга корхоналаргина шундай қурилмаларни ишлаб чиқариш имкониятига эга, — дейди босиқлик билан ҳавроҳимиз. — Бу йўналишдаги лойиҳа давлатимиз рақбарининг 2019 йил 30 майдаги тегишли қарори билан амалга оширилди. Корхона томонидан

қурилмаларни маҳаллий шароитда тайёрлаш бўйича аввал юртимизда тажриба бўлмаган, мутахассислар ҳам йўқ эди. Шу боис, жараёнда Хитой тажрибаси ўрганилиб, заводга хитойлик мутахассислар олиб келинди. Бизнинг кадрлар ҳам Хитойга бориб, реал иш жараёнларида малака ошириб қайтди. Шу тариқа заводимизда электромобилларни қувватлаш станцияларини ишлаб чиқариш бошланди.

Корхонанинг ишлаб чиқариш бўлимига киришда замонавий дизенфекциялаш мосламаларидан ўтди. Талаб анча юқори экан, ҳатто фотография аппарат чироғини ёқмаслик уқтирилди. Ишчи ходимлар ҳам махсус кийимларда. Қувватлаш станцияларини ишлаб чиқаришнинг бир неча босқичи билан танишдик. Дастлаб олиб келинган темир хомашёсига лазерли станокларда махсус дастур



Маҳаллий қувватлаш станцияларидан фойдаланишнинг аҳоли учун ҳам қулайликлари бор. Улар Давлат солиқ қўмитаси фискал чеклари операторининг ягона тизимида рўйхатга олинган, QR-кодлар асосида cashback олиш имконияти яратилган.

инвестиция киритилиб, 2019 йил биринчи яримдан замонавий қувватлаш станциялари ишлаб чиқариш бошланди. Лойиҳанинг умумий қиймати 2 миллион доллар бўлиб, йилга 1200-1500 та қувватлаш станцияси ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Бундай

ёрдамида ишлов берилиб, керакли шаклга келтирилади. Устки қисми тайёр бўлгач, ички қисми терилади ва барчаси йиғилади. Сўнг лаборатория текширувларидан ўтказилади. Қурилмалар учун зарур сифат сертификатлари олинган. Махсулот асосан, бюуртма билан ишлаб чиқарилади. Ўтган йили 200 дан ортиқ қувватлаш станцияси мижозларга етказилган. Жорий йилда бюуртмалар анча кўп — йил охиригача 15 мингта қурилма етказиб бериш бўйича келишилган. Август ойида биринчи партиядаги 5 мингта қувватлаш станцияси чиқарилади. Яъни юқорида таъкидлаганимиздек, жорий йилда юртимиз бўйлаб қувватлаш станциялари сонини 21 мингдан зиёдга етказиш режаси шу каби корхоналарнинг ҳам иш самарадорлигини оширяпти. Маҳаллий қурилмаларга талаб ортган.

Машинани уйда қувватлантирган маъқулми ёки...

Заводда 3,5 киловаттдан 160 киловаттгача қувватдаги станциялар ишлаб чиқарилади. Оддий қилиб тушутирганда, амалда мавжуд икки турдаги — тез ва секин қувватловчи

станциялар тайёрланади. Жорий йилдан 240 киловатт қувватли қурилмалар ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бу ҳам ана шу станцияларнинг бир тури.

Маҳаллийлаштириш даражаси эса турлича. Мутахассиснинг айтишича, ҳозирги кунда заводда 3,5 киловаттдан 20 киловаттгача қувватли станциялар тўлиқ маҳаллийлаштирилган ва бу кўрсаткич 95 фоизга етган. 20 киловаттдан юқори қувватли станциялар эса 35 фоиз маҳаллийлаштирилган бўлиб, Хитойнинг “Teld” компанияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилади. Боиси, ушбу турдаги қурилмаларнинг ички қисми учун зарур хомашё материаллари ҳали ўзимизда мавжуд эмас ва асосан, Хитойдан олиб келинади. Аммо яқин йилларда уни ҳам маҳаллийлаштириш кўзда тутилган.

6 ой ўтмай ишдан чиқиб қолганини айтади. Сервис хизматидан фойдаланиш учун хитойликларни чақиритиш керак, бу эса кўп вақт ва катта харажат талаб қилади. Премиум тоифадаги маҳсулотларнинг нархи эса хорижда ҳам арзон эмас. Биз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ана шу юқори тоифага киради. Хитойнинг худди шу сифатдаги маҳсулоти билан солиштирилса, бизда анча арзонроқ. Қолаверса, сифатга, ишлаб бериш мuddатига, ҳужжатларига кафолат берилади.

Асосийси, сервис хизматлари корхона мутахассисларининг ўзи томонидан энг тез фурсатларда кўрсатилади. Бу энг муҳим жиҳатлардан бўлиб, маҳаллий саноатни ривожлантиришдан кўзланган мақсадлардан бири ҳам шу. Қолаверса, маҳаллий бозорда рақобат ошиши таннарх тушишига хизмат қилиши керак. Шунда бу йўналишдаги тадбиркорлар сони янада ортади.

Заводда уй шароитида фойдаланишга мўлжалланган 7 киловаттли қувватлаш станциялари ҳам ишлаб чиқарилади. Габарити ихчам, пластик корпус ва битта пистолетли бежиримгина қурилмани девор ёки махсус устунларга ўрнатиш мумкин. Ҳатто машина юкхонасига осонгина жойлаб олиш қулай. Бу дегани, қурилмалардан исталган жой ва вақтда фойдаланиш мумкин, барча ҳимоя хавфсизлиги кўриб чиқилган. Қурилманинг ичидagi схемасидан тортиб, ташқи қисмларигача тўлиқ ўзимизда ишлаб чиқариляпти. Оддий қилиб айтганда, тўлалигича ўзимизнинг маҳсулот!

Яна шахсий қизиқишим устун келиб, бирданга нархини сўрадим. Расмий дилерлик дўконларида бу қурилма 4-5 миллион сўмга сотилар экан. Шундан биттисини хонадонингизга ўрнатиб қўйсангиз борми, қурилма бўш турган вақтлари қўшилларга ҳам фойдаланишга бериб, кичик бизнес қилиш мумкин. Электромобиль тез қувватлаш қурилмасида 0,5-1 соатда қувват олса, уй шароитида 7-8 соат туришига тўғри келади. Чунки станциянинг қуввати шунини талаб этади. Агар вақт бемалол бўлса, уйда қувватлантириш қулай, аммо ҳозир амал қилаётган электр энергияси учун тўлов тарифлари билан бу унчалик фойдали эмас. Чунки электромобилни битта қувватлашнинг ўзида 200 киловаттли ижтимоий нормадан ошиб кетилади. Шу боис, бу борада ҳам мақбул ечимлар устида ишланяпти. Ўтган йили электромобилни уйда қувватлашни рағбатлантирадиган тунги тариф жорий қилиниши айтилганди.

Маҳаллий қурилмани оммавий ўрнатиш бошланган

Электромобиль қувватлаш станцияларидан фойдаланганда, қурилманинг каерда ишлаб чиқарилганига ҳеч эътибор бермас эканман. Аммо ёзувлар хитойча ёки инглизча эканига кўзим тушган. Нима учун ўша қурилмаларнинг айримлари анча вақтдан бери ишламай ётганини энди тушунадим. Тадбиркор Хитойдан мутахассислар келиб, тузатиб беришини кутаётган бўлса керак. Шуларни ўйлаб, маҳаллий маҳсулот анча қулай экани, сифати ва сервис хизматини исталган вақтда талаб қилиб олиш имконияти борлиги ҳақида ўйладим.

— Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида 2024 йил январь ойидан юртимиз бўйлаб ўзимизда ишлаб чиқарилган қувватлаш станцияларини оммавий тарзда ўрнатиш бошланган, — дейди Умид Аҳмадов. — Бугунги кунгача Қорақалпоғистон, Тошкент шаҳри ва республикамизнинг барча вилоятларида жами 78 та қувватлаш қурилмаси ўрнатилган бўлиб, уларнинг асосий қисми алоҳида нимстанциялар ва энергия тежовчи трансформаторлар билан тармоққа уланган. Қувватлаш қурилмаларини масофадан бошқариш учун эса корхона муҳандислари томонидан махсус мобил илова ва бошқариш тизими яратилган. Дастурий таъминот орқали станцияларнинг ишлаши, ҳолати кузатиб борилади. Техник хизмат кўрсатиш зарурати бўлса, муҳандис жойига бориб, қурилма ҳолатини текшириб, зарурий созлаш ишларини бажаради.

Маҳаллий қувватлаш станцияларидан фойдаланишнинг аҳоли учун ҳам қулайликлари бор. Улар Давлат солиқ қўмитаси фискал чеклари операторининг ягона тизимида рўйхатга олинган, QR-кодлар асосида cashback олиш имконияти яратилган.

Булар ҳақида билгач, маҳаллий қувватлаш қурилмаларидан фойдаланишнинг мақсад қилдим. Махсус мобил иловани юклаб олиб, станциялар жойлашган манзилларни белгилаб қўйдим. Чунки, мутахассиснинг айтишича, ушбу қурилмаларда электромобилни қувватлантириш нархлари ҳам нисбатан арзонроқ. Асосийси, электромобили бор одамларни энди қувватлаш станциялари муаммоси ўйлангирмайди, деган умидданман. Ҳар ҳолда талабга яраша тақлиф беришга киришган.

6

2025 йил 7 июнь, 115-сон

Кун мавзуси

МАЪРИФАТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Халқимиз орасида “Болаликда олинган билим тошга ўйилган нақш” деган пурмаъно гап бор. Уни кенг қамровли таҳлил қилсак, болаликда олинган билим, ахборот, маданият, ахлоқ, дунёқараш инсоннинг кейинги ҳаётини белгилаб беришини англатади. Ҳа, болаларнинг онги, тафаккури оппоқ қоғозга ўхшайди. Шу боис, бугунги глобал ахборот асрида дунё миқёсида инсонлар, айниқса, навқирон авлод вакиллари онгини эгаллашга ҳаракат кетмокда. Бу кураш ҳарбий юришлардан анча хавфли. Сабаби қурол-яроғ билан кимдир давлат чегараларини бузса, дарҳол сергак тортасиз. Аммо мафкуравий ҳужум миллатнинг қайси қатлами, қайси вакили онгига қаратилганини олдиндан аниқлаш мушкул.

Бек болалар, лола қизлар улғайсин

Бир неча йил олдин болалар орасида оммалашган, охири ўлим билан яқунланувчи бир ўйин шундай уринишлардан бири бўлган. Узоққа бормаилек, ўтган йили Ўзбек болалари орасида пайдо бўлган квадратберлик — ҳайвонлар хатти-ҳаракатига тақлид ҳам ёш авлоднинг соғлиги, руҳияти, дунёқарашини зарарлашга уринишидир.

Шунингдек, бизга ёт анъаналарнинг интернет, ижтимоий тармоқ ва бошқа манбалар орқали кириб келиши ҳам ўзligимиз, миллий маданиятимизга катта зарба бўлмокда.

Собиқ тузум даврида узоқ йиллар ўзligи, миллий қадриятидан айро яшашга мажбурланган халқимиз миллий мафкура, менталитетдан йироқлашши қанчалик зарарли эканини тўғри англайди. Энг ёмони, шу кунларда айрим салбий ниятли кимсалар томонидан ўша охири мавҳум қора кунлар, мустабид йилларни соғингандек кўрсатишга уринишлар бўлаётгани ҳам мантқиқсизлик баробарида хавфли мафкуравий ўйинлардан биридир. Айниқса, бу ғоялар тарғиботи ёш авлод тарбия масканлари — боғча ва мактабларга кириб бораётгани ҳам қилиб бўлмайдиган ҳолат. Айрим кимсалар бундай зарарли тарғибот юритишда кичик деталлардан фойдаланишдан ҳам тап тортмаётгани бизни янада сергак торттириши лозим.

Бундай ёт ғоя ва зарарли мафкуралар ўчоғи, албатта, интернет ва ижтимоий тармоқлардир. Таҳлилларга кўра, мактаб ўқувчиларнинг 80 фоизи интернет ва ижтимоий тармоқлардан фаол фойдаланади. Бу болалар дунёқарашини ота-она, мактабдан ташқари интернет, яъни медиаконтентлар шакллантирипти, дегани.

Шунинг учун жорий йил 15 май кунини мактаб таълими тизимидаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида болаларни зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш ҳамда болалар контентни тайёрлаш соҳасига алоҳида ургу берилди. Уларни зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш ҳаммани ўйлантираётган муаммо экани таъкидланди. Шу боис, Президентимиз қарорига мувофиқ, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиғи ҳузурида Болалар контентини ривожлантириш маркази ташкил қилинган айтилди. Марказ олдида маҳаллий ижодкорларга миллий контент яратиш бўйича буюртма бериш, соҳада кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш вазифаси қўйилди.

Фарзандларимизни ёт ғоя ва зарарли мафкуралардан сақлаган ҳолда ватанпарвар, миллий қадриятларимизни ҳурмат қиладиган, ахлоқли этиб тарбиялаш учун нима қилиш керак? Албатта, биринчи навбатда, ўзбек медиамажонини бўш қолдирмаслик, болалар миллий контенти ва мультфильмларини кўпайтириш зарур. Янги ташкил этилаётган марказ бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга маъсул бўлади. Лекин йиғилишда бу долзарб масала биргана марказ вазифаси эмаслиги, шу йўналишдаги барча дахлдор идоралар марказ билан ҳамкорликда ишлаши кўрсатиб ўтилди.

Болалар дунёқарашини, тафаккури кенг далага ўхшайди. Агар унга тез миллий рух, ватанпарварлик, халқпарварлик уруғини сочмасак, бу майдонни бегона ўтлар эгаллаб олади. Кейин ҳар қанча уринсангиз ҳам у ерда эгулик уруғини кўпайтира олмайсиз. Шу нуқтани назардан, болалар миллий контентини яратиш давлат сиёсати даражасидаги масала бўлиб қоляпти.

Марказ зиммасига яна бир муҳим вазифа — ахборот маконидаги болалар тарбияси ва соғлиғига салбий таъсир қиладиган контентни таҳлил қилиш юклатилди. Чунки бу иш алоҳида билим ва кўника талаб этади. Ота-оналарга беозор бўлиб кўринган мультфильмлар замирида илгаш қийин бўлган иллатлар аширинган бўлиши мумкин. Медиа соҳасида “25-қадр” деб номланувчи қисм мавжуд, унга оддий инсонлар англамайдиган шаклда ҳар қандай зарарли ғонни тарғиб этиш учун жойлаштириш мумкин.

Хорижда ишланган мультфильмларга эътибор берсангиз, бош қаҳрамонларнинг рения хасталиғи аломатларини ўзида намоён этар экан. Оддий томошабин бунини сезмайди ва унинг болалар соғлиғига зарарли ёки зарарсиз экани ҳақида ҳулоса қила олмайдиган. Марказ ана шундай ҳулосаларни жамоатчиликка тақдим этади.

Кейинги йилларда болалар учун миллий контент яратиш бўйича ахши томонга силжиш бор. Хусусан, улар техник жиҳатдан хориж махсулотлари билан бемалол беллаша олади. Болагимизда экранлардан тушмайдиган кўзи тутма, кўриниши кўйирчоққа ўхшайдиган “Зумрад ва Қиммат” мультфильми қаҳрамонларидан ҳозирги образлар буткул фарқ қилади. Жумладан, “Бек ва Лола”, “Помидор дўппи”, “Лулу Нана”, мулоқотида қатнашиб, лойиҳасини давлатимиз раҳбарига таништирди. Катта эътироф ва қўллаб-қувватловга сазовор бўлди. Албатта, халқимиз орасида бундай иқтидорли ёшлар кам эмас. Фақат уларни кашф этиш, янги ғоя ва фикрларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур. Шу йил 6-9 май кунлари қизгин руҳда бўлиб ўтган “Биргалликда миллий контент яратамиз” ўқув семинари аини шу мақсадга хизмат қилиши билан аҳамиятли бўлди. Унда миллий контент яратишга қизиқувчи, иқтидорли ёшларга мамлакатимиздаги машҳур режиссёр, контентмейкер, аниматорлар ўз тажрибаси ҳақида сўзлаб берди. Иқтидорли ўғил-қизларнинг ижодий ишларини кўриб, керакли тавсиялар берилди. Фикр алмашилди. Янги марказ бундай тадбирларни кўпайтиради. Келгусида болалар миллий контентини сон ва сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Президентимиз йиғилишда давлатнинг иқтисодий кўрсаткичларидан кўра, халқимизнинг маънавияти, маърифатини, ёшларимизнинг илму тафаккурини юксалтириш йўлидаги ютуқлар кўпроқ қувонтиришни таъкидлади. Аслида, ҳам шундай — халқ дунёқарашини, фикрлаш тарзи ўзгариши бошқа тармоқлар таракқий этишининг ҳам пойдевори бўлади.

Хусусан, ёш аниматор Лазиз Ганиевнинг “Бек ва Лола”, “Доню & Момомо” контентлари миллионлаб ўзбек ёш томошабинларини экран қаршисига михлаб қўйди. Айниқса, “Бек ва Лола” ҳақиқий миллий рух бериб турувчи контентлиги билан бошқаларидан ажралиб туради. Ўзбекиона қиёфа ва миллий куй-қўшиқ жўрлиғида болаларга эзгу ашларни ўргатувчи контент барчанинг бирдек қизиқишга сазовор бўлди. Унинг экологияга бағишланган ўйин шаклидаги охириги қисми болаларни табиатни севишга, даракт экиб, парваришлаш ва атроф-муҳитни асрашга даъват этади.

Лазиз Ганиев шу йил 14 февраль кунини Президентимизнинг ёшлар билан

Дунё меҳнат бозорини тил билганлар эгаллайди

Сўнгги йилларда оддий оилада тарбия топган ўзбек фарзандининг ҳам бирдан бир неча нуфузли хорижий ОТМ грантини қўлга киритгани, IELTS имтиҳонидан 7 ёки ундан ортиқ балл олгани ҳақидаги хабарларни эшитиш ёки бир нечта чет тилида бийрон сўзлашаётган ёшларимизни кўриш одатий ҳолга айланиб бормокда. Бу ҳар қандай ота-она ёхуд миллат вакилида факрифтхор туйғусини уйғотиши табиий. Бундай натижаларга, албатта, ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ.

Қарор ва ижро

Хосиятпошшо АҲМАДЛИЕВА, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Президентимизнинг 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини софат-жаҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида таълим муассасалари, тармоқлар ва ҳудудларнинг

Тўғрисида”ги қарорида ёшларни хорижий тилларга ўқитиш жараёнини тақомиллаштириш ва талаб юқори бўлган тилларни мукаммал ўзлаштириш учун шароитни кенгайтириш, хусусий ўқув марказлари реитингини шакллантириш ва рейтингда юқори ўрин эгаллаганлари рағбатлантириш, ёшлар орасида касб-ҳунар ва хорижий тилларни ўрганишни тарғиб қилиш, ушбу йўналишдаги ижтимоий лойиҳалар, кўрик-танлов ва олимпиадаларни ташкил этиш каби вазифалар белгиланган. Шунингдек, халқаро имтиҳон тизимлари бўйича инглиз, немис, француз, корейс, хитой ва япон тилларидан камиди С1 ёки унга тенглаштирилган даражадаги сертификат олган ёшларнинг имтиҳон топшириш харажати компенсация қилишга қўшимча равишда ўқиш харажати қоплаш учун БХМнинг 3 баробари миқдорда бир марталик моддий рағбатлантириш тартиби жорий этилди. Шу ўринда Ёшлар ишлари агентлиги томонидан 2022 йилда ташкил этилган хорижий

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-646.

Ҳажми — 3 табоқ. Обфсет усулида бошлан. Қоғоз бичими А2.

Баҳоסי келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Нодир Махмудов

Мусахҳх: Маллоҳат Мингбоева

Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзиллими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-ўй.

Ўза яқини — 22:00

Қабулхона: (71) 233-56-33

Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz

Веб-сайт: www.yuz.uz; (71) 233-47-05